

# ТАХЛИЛИЙ ТАВСИЯНОМА



No. 2 (13), 2009

Ўзбекча талқин

## Мундарижа: Кириш

- 1. Жамғармалар ва инвестициялар: хусусий секторнинг ривожланиши салоҳияти қандай?**
- 2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши йўлидаги тўсиқлар**
- 3. Хулоса ва тавсиялар**

## Манзилимиз:

policybrief@undp.org  
[www.undp.uz](http://www.undp.uz)

тел.: (998 71) 120-34-50  
 (998 71) 120-61-67  
 факс: (998 71) 120-34-85

**БМТРД**  
**Ўзбекистондаги**  
**ваколатхонаси**

100029, Тошкент,  
 4, Т. Шевченко кўчаси

Мазкур таҳлилий тавсиянома БМТРДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашри бўлиб, жорий иқтисодий сиёсатнинг муқобил стратегик танловини хамда лозим чора-тадбирлар йўналишини мухокама қилиш учун мулжанланган. Мазкур хужжат сиёсий йўналишларни белгиловчи мансабдор шахслар, донорлар хамжамияти, мустақил таҳлилчилар, ва бошка манфаатдор томонлар учун мулжанланган.

Муаллифларнинг мазкур хужжатда билдирилган айрим фикрлари Бирлашган миллатлар ташкилоти ривожланиш дастурининг фикри ва юритаётган сиёсатига мос келмаслиги мумкун.

## ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕСНИНГ РИВОЖЛANIШ САЛОҲИЯТИ: ТЎСИҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

Мазкур таҳлилий тавсиянома, Иқтисодий тадқиқотлар маркази (ИТМ) ва БМТРДнинг “Миллий тараққиёт йўлида инвестицион жараёнига кўмаклашиш” лойихаси томинидан Ўзбекистонда инвестицион мухитини такомиллаштириш масалалари бўйича бир неча таҳлилий хужжатлар асосида яратилган. Ушбу хужжатлар орасида: “Ривожланган мамлакатларда самарали инвестицион сиёсат юритишинг асосий белгилари: Ўзбекистон учун маъқул бўлиши мумкун бўлган йўналишлар”, 2007; “Қурилиш ва ривожланиш фонднимакроиқтисодий барқорорлик ва иқтисодий ўсиш йўлидаги асосий восита ва унинг фаолият юритиш механизmlарини таъмирлаш”, 2007; Ўзбекистонда фонд бозорининг имкониятлари: мавжуд бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари”, 2007; Ўзбекистонда инвестицион сиёсатни такомиллаштириш: хусусий инвестицияларни имкониятлари ва мавжуд бўлган инвестицион имкониятларни ишлатиш мавжуд бўлган механизmlарни фаоллаштириш”, 2008.<sup>1</sup>

Ушбу таҳлилий тавсияноманинг муаллифлари тавсияномани тайёрлаш жараёнида кўрсатган ёрдами учун БМТРДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари З. Парпиев ва Е. Данилова-Кроссга, БМТРДнинг Братиславадаги экспертлари Бэн Слэй, Паскал Бонзом, Ник Мэддокка ва тақризчилар гурӯҳи аъзолари А.Абдуразоқов, К.Иномхўжаев ва У.Камолиддиновга мухокамаларда билдирган қимматли фикр-мулоҳазалари учун ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

**Юсупов Ю. Б. таҳрири остида.**

<sup>1</sup> Барча маъruzalarнинг электрон нусхаларини инглиз ва рус тилларида БМТРД ([www.undp.uz](http://www.undp.uz)) ва ИТИ ([www.cer.uz](http://www.cer.uz)) сайтларидан топиш мумкун.

## КИРИШ

2008 йилнинг иккинчи ярмида дунё миқёсида бошланган молиявий инқироз иқтисодий рецессияга айланиб кетди. Инқирознинг ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга ўтишига асосий сабаб пул ўтказмалари, хусусий инвестиция ва савдо оқимлари ҳажмининг қисқариши бўлди. Ушбу омиллар Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда иқтисодий ривожланиш кўп жиҳатдан экспорт ҳажмига, асосий экспорт маҳсулотлари нархининг ижобий конъюнктурасига, шунингдек, хориждаги ишчи мигрантларнинг пул ўтказмаларига боғлик эди.

2009 йилда Ўзбекистоннинг савдо бўйича асосий ҳамкорлари - Россия ва Евropa Иттифоқи ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) тегишли равишда  $7^2$  ва  $4,8^3$  фоизга қисқариши таҳмин қилинмоқда, бу эса экспорт ҳажмининг пасайишини англатиши мумкин. Бунда талабнинг камайиши билан бирга ва/ёки хом-ашё товарлари (нефт, газ), кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, сабзовот ва мевалар) ва бир қатор тайёр маҳсулотлар (автомобиллар) жаҳон нархининг пасайиши кузатилмоқда, натижада эса экспорт қилувчи корхоналар даромадларининг камайиши ва мамлакатга валюта тушумининг қисқариши хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Мехнат миграцияси ва пул ўтказмалари бўйича ишонарли жорий статистик маълумотлар йўқлиги туфайли, ҳозирги кунда юкорида тилга олинган омиллар Ўзбекистондаги<sup>4</sup> ижтимоий-иқтисодий вазиятга қанчалик жиддий таъсир кўрсатиши ва бу вазият аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламлари учун қандай оқибатларни келтириб чиқаришига миқдорий баҳо бериш мушқул. Айни пайтда шуни англаш лозимки, инқироз ва ундан чиқиши даври давомли бўлиб, бу иқтисодий инқирознинг алломатлари Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаслиги мумкин.

Келажак нұқтаи-назаридан қараганда, хусусий инвестицияларнинг<sup>5</sup> юкори даражаси, иқтисодий ривожланиш суръати, иқтисодиёт рақобатбардошлигининг ошиши ва камбағаллик даражаси ўртасидаги алокадорлик борлигини эътиборга олган ҳолда<sup>6</sup> инқироздан чиқиши стратегияси хусусий секторни ривожлантириш учун ички ресурсларни - аҳоли ва давлат жамғармаларини сафарбар қилишга асосланиши лозим. Бунда кам инвестиция талаб этувчи, меҳнат талаб ва мослашувчан бўлган, ва шу тарзда инвестиция чекланганлиги шароитида камбағалликни камайтириш нұқтаи-назаридан самаралироқ бўлган кичик ва хусусий<sup>7</sup> тадбиркорликка алоҳида аҳамият бериш зарур.

Ҳозирги кунда, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун хусусий инвестициялардан самаралироқ фойдаланишга бир қатор чекловлар тўсиқлик қилмоқда. Бу амалдаги иқтисодий сиёсатнинг етарли даражада самарали эмаслиги ва мавжуд қонунчилик асосининг номукаммалигини акс эттиради. Макро-даражада ушбу муаммоларни аксарият қисми давлат заҳираларида ва аҳолининг банклардан ташқаридаги жамғармаларида сақланаётган маблағлар салоҳиятидан етарли даражада самарали

<sup>2</sup> ХВЖнинг тахлили, июнь 2009 (<http://www.imf.org/external/russian/np/sec/pr/2009/pr09193r.pdf>).


<sup>3</sup> ХВЖнинг тахлили, июль 2009 (<http://www.imf.org/external/pubs/ft/weo/2009/update/02/>).

<sup>4</sup> Жаҳон иқтисодий инқирознинг иш мигрантларинг пул ўтказмаларини миқдорини пасайиши билан боғлик бўлган айrim макроиқтисодий тахлилга доир макола “Воздействие глобального кризиса на Узбекистан: механизмы и меры по ограничению рисков”. Журнал «Рынок деньги кредит». Тошкент, №6 2009 й.

<sup>5</sup> “Ривожланаётган мамлакатларда самарали инвестицион сиёсатнинг асосий омиллари: Ўзбекистон учун маъкул бўлган йўналишлари” Тахлилий маъруза. ИТМ, Тошкент, 2007 й.

<sup>6</sup> UNLEASHING ENTREPRENEURSHIP: Making Business Work For The Poor». БМТРД, 2005й.

<sup>7</sup> Ўзбекистонда расман ўрта корхона тавсифи мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли карорига асосан кичик тадбиркорлик(бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхона ва ташкилотларнинг классификацияси корхонанинг иш билан банд бўлган ходимлари сони мезонига асосан белгиланади. Хусусан, ходимларнинг ёнг кўп чекланган сони иқтисодиёт тармогига боғлик ва 25, 50 ёки 100 кишидан ошиб кетмайди. Ушбу маъруза мақсадларида халқаро тан олинган кичик ва ўрта бизнес тавсифи кўлланилади. Бунда ўрта корхоналар деб Ўзбекистонда кичик бизнес учун ўрнатилган чегарадан юкори ходимлар сони бўлган корхоналар тушунилади, аммо Ўзбекистон шароитида оптималь юкори чегарани анилаш учун кўшимча тахлил ўтказилиши зарур.



фойдаланилмаётганлиги сабабли юзага келмоқда. Микро-даражада эса, хусусий тадбиркорлар фаолият юритиш ва ўз бизнесини кенгайтириш жараёнида трансакциявий харажатларга ва тўсиқларга дуч келиш сабабли юзага келмоқда.

Ушбу тавсияномада асосан кичик тадбиркорлик муаммолари таҳлил қилинади ва мавжуд бўлган инвестицион салоҳиятга баҳо берилади. Таҳлил асосини тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровлар, расмий статистика ва ушбу мавзу бўйича аввал ўтказилган тадқиқотлар ташкил этади.

## 1. ЖАМҒАРМАЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР: ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ САЛОҲИЯТИ ҚАНДАЙ?

Ҳар қандай иқтисодиётнинг ривожланиши манбанини инвестициялар ташкил этади, уларнинг салоҳияти эса аҳоли ва корхоналар жамғармаларига<sup>8</sup> боғлиқ бўлади. Жамғармалар даражаси қанчалик юқори бўлса, инвестиция киритиш учун имкониятлар кенгаяди.

Шу борада, жамғармалар ва инвестициялар динамикаси тенденциялари таҳлили иккита саволга жавоб топиш талаб этилади, яъни: 1) инқироз даврида ва ундан чиқиша, хусусий секторнинг ўсишини таъминлаш учун жамғармаларнинг мавжуд ҳажми етарлими? ва 2) мавжуд жамғармалардан самарали фойдаланилмоқдами?

Ўзбекистонда инвестициялар таркибида давлат бюджети маблағлари улуши 1996 йилдаги 26 фоиздан 2008 йилда 9 фоизга тушди, умуман уларнинг ҳажми ЯИМга нисбатан бор-йўғи 2,1 фоизни ташкил этди. Бу иқтисодиётни эркинлаштириш, давлатнинг инвестицион ресурслар тақсимланишига тўғридан-тўғри аралашувидан аста-секин воз кечилаётгани оқибатидир, ва у хусусий сектор улушининг тегиши равишда ўсиши билан қопланиши керак. Шу сабабли, келажакда иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатини таъминлашнинг муҳим шарти, хусусий инвестициялар ўсишининг юқори даражада таъминланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши билан боғлиқ.

### 1.1. Инвестициялар динамикаси: иқтисодиётнинг ривожланиши учун қандай омиллар мавжуд?


Ўзбекистонда мавжуд бўлган статистик ҳисобдорлик хусусий инвестицияларни алоҳида индикатор шаклида ажратмайди. Инвестициялар марказлашган (бюджет инвестициялари ва давлат кафолати остидаги инвестициялар) ва марказлашмаган (хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар, аҳоли ва корхоналар инвестицияларига (шу жумладан, кичик ва хусусий бизнес) бўлинади. Айнан марказлашган инвестицияларда ва уларнинг таркибий қисмларида хусусий инвестицияларнинг (ҳам мамлакатдан, ҳам чет эл давлатларидан) асосий салоҳияти жамланган.

Мавжуд бўлган статистика маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, марказлашмаган инвестициялар сўнгги ўн йил давомида Ўзбекистонда инвестициявий фаоллик ўсишининг асосий омили бўлган. Инвестициялар таркибида уларнинг улуши 90-йилларнинг ўрталаридаи 40-45 фоиздан 2008 йилда 80 фоизга ошган бўлса, мазкур инвестициялар ўсишининг ўртача йиллик суръати эса 1996-2009 йилларда 14,6 фоизни ва умумий инвестициялар ўсиши 8,7 фоизни ташкил этган Шунингдек иқтисодий фаолликнинг энг муҳим индикаторлари - ЯИМ (5,3 фоиз) ва саноат ишлаб чиқариши (7,1 фоиз)

<sup>8</sup> Йиллик даромад ва жорий даромад (макродаражада-яқуний истеъмол).

суръатидан анча ортиқ бўлган. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига нодавлат инвестицион манбалари қиймати ва улушкинг астасекин, айни пайтда барқарор ошиб бораётгандигидан далолат беради.

#### 1-чизма. 1996-2008 йилларда инвестицияларнинг ўсиши динамикаси (амалда ифодаланиши, аввалги йилга нисбатан фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра.

Бироқ, марказлашмаган инвестицияларнинг асосий таркибий қисмлари аҳоли ва хорижий тўғридан-тўғри инвестициялар юқори таъсирчанлик хусусияти хос, бу эса иқтисодий динамикани қўллаб-қувватлаш нуқтаиназаридан катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда ЯИМ динамикасига жиддий салбий таъсир қўрсатиши ва умуман иқтисодиётнинг нобарқарорлигини келтириб чиқарувчи жиддий омил бўлиши мумкин.


## 1.2. Жамғармалар динамикаси: маблағлар мавжудми?

Ўзбекистонда ялпи жамғармалар ўсишининг мақбул тенденцияси шаклланди: тассаруфдаги ялпи миллий даромад (ТЯМД) 1995 йилдаги 27 фоиздан 2007 йилдаги 41 фоизгача ўсган. 1990-йилларнинг ўртасида жамғармаларнинг асосий манбалари давлат сектори ва реал сектор корхоналари (номолиявий муассасалар, 2-чизма) ҳисобланган. Бунда иқтисодиёт реал секторининг улуши ўзгариб турган: 90-йилларда жамғармаларнинг умумий ҳажмида унинг улуши 30 фоиздан ошмаган эди, 2002 йилга келиб у икки баравар ортган (60 фоиздан зиёд), шундан сўнг 2005 йилда мазкур қўрсатгич 53 фоизгача камайган.

Ялпи жамғармалар таркибидаги бундай ўзгаришлар солиқ юки қисқариши, хусусийлаштириш жараёнининг жадаллашуви, шунингдек, уй хўжаликлари улушкининг юқори даражада ортиши (2001 йилдан бошлаб) натижасида давлат муассасалари жамғармалари улушкининг жиддий равишда қисқариши оқибатида содир бўлди (1995 йилдаги 55 фоиздан 2005 йилда 8 фоизгача) ва у 2005 йилда барча жамғармаларнинг учдан бир қисмини ташкил этди.

## 2-чизма. 1995-2007 йилларда ялпи жамғармалар таркиби

(ялпи жамғармаларга нисбатан фоизда)



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра.

Афсуски, ҳозиргача реал секторни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ахолини кўпайиб бораётган жамғармаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кўрилган чоралар кўрилмаган, кутилган самарани бермаган. Ахолининг ўсиб бораётган жамғармаларини ишлаб чиқариш сектори учун самарали инвестицияларга айлантиришга кўмаклашувчи банк сектори ва фонд бозори ишининг самарасизлиги жамғармалар ва инвестициялар **мувозанатининг бузилишига**, шунингдек, кейинги йилларда асосий инвестиция товарларига айланган кўчмас мулк ва автомобил бозорида нархлар ошишига олиб келди.

### 1.3. Жамғармалар ва инвестицияларнинг мувозанатсизлиги: сабаб ва оқибатлар

Ўзбекистонда жамғармалар даражаси (расмий статистикага кўра) дунёнинг ривожланаётган давлатларига<sup>9</sup> хос бўлган кўрсаткичлардан қарийб икки баравар кўп. Аммо Ўзбекистонда **ялпи жамғармалар ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ўртасида мувозанатсизлик** кузатилмоқда. Ривожланаётган давлатларда ушбу икки кўрсаткич ўртасида деярли фарқ мавжуд эмас ва ЯИМнинг<sup>10</sup> -2 фоиздан +2 фоизигача бўлган оралиқда ўзгариб туради.

Ўзбекистонда 2001 йилда жамғармалар инвестицияларга нисбатан деярли 10 та банд кам бўлиб, 2002 йилга келиб тенглашди. Шундан сўнг, жамғармаларнинг ўсиши ҳар йили инвестицияларнинг кўпайишидан ортадиган бўлди, ва **2005 йилга келиб жамғармаларнинг инвестициялардан ортиши 17,4 бандни ташкил этди**.

Бундай фарқ республикада жамғарилган катта инвестицион салоҳиятдан, ёки мавжуд бўлган норасмий сектор ва ноқонуний импорт ҳажмидан далолат беради.

Биринчи ҳолда, бу каби тафовутнинг **макроиктисодий оқибати ривожланиши суръатининг чекланишида ифодаланади**, чунки жамғармаларнинг катта кисми (42 фоизга якини) иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизациялаш мақсадларига сарфламаслик оқибатида иқтисодий ривожланишини, бандликни ва ахоли даромадларининг ўсишига салбий таъсир

<sup>9</sup> Бу ерда Ривожланаётган мамлакатларда самарали инвестицион сиёсатнинг асосий омиллари: Ўзбекистон учун маъқул бўлган йўналишлари” таҳлилий маърузасида келтирилган 75 ривожланаётган мамлакатлар танланган.

<sup>10</sup> “Ўзбекистонда хусусий инвестициялар сиёсатини такомиллаштириш”: хусусий инвестицияларнинг имкониятларини таҳлили ва уларни фаол ишлатиш механизмлари” ИТМ, Тошкент, 2008 й.



кўрсатади. Бундан ташқари, жамланган инвестициянинг чиқиб кетиши, биринчи навбатда, ноқонуний йўллар орқали, эҳтимоли юқори бўлади.

Иккинчи ҳолатдаги фарқ, корхоналарнинг аксарият қисмини иқтисодиётнинг яширин секторига ўтиб кетишига ноқулай тадбиркорлик муҳитининг яққол далили хисобланади ва бундай ҳолатга имконият яратиши мумкун.

Ҳар икки ҳолда, ушбу фарқ жорий ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, аҳоли даромадларининг ўсиши учун шарт-шароит яратиш ва кейинчалик ушбу даромадларни Ўзбекистоннинг хусусий секторини ривожлантириш мақсадларида жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлигидан гувоҳлик беради.

#### **1.4. Қандай қилиб энг юқори даражадаги натижаларга эришиш мумкин?**

Иқтисодиётнинг янада ривожланиши, солиқ юкининг камайиши ва меҳнат миграциясининг юқори даражаси сақланиши реал сектор ва уй хўжаликларини миллий жамғармаларнинг асосий манбаига айлантиради. Бу эса эҳтимолда, кризисдан олдин ва кризисдан сунг, ташқи инвестициялар ва кредитлар камайиши билан бирга ушбу манбаларни хусусий секторнинг ривожланиши учун зарур бўлган инвестициялар билан таъминлашдаги аҳамиятини оширади. Шу сабабли, ушбу ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари яқин келажакда устувор йўналишларга айланмоғи лозим.

Инвестициялар чекланган ва ишлизик даражаси юқори бўлган шароитда, айниқса жаҳон иқтисодиёти инқизорзи ва ундан чиқиш даврида кичик ва хусусий бизнеснинг жадал ривожлантирилиши ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий барқарорлашув воситаси бўлиши мумкин. Айнан кичик ва хусусий тадбиркорлик кам харажат сарфлаган ҳолда аҳоли бандлигининг юқорироқ даражасини таъминлаши, ва, шу орқали, камбағалликни камайтириш нуқтаиназаридан кўпроқ самара бериши мумкин. Бундан ташқари, кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ташқи бозорлардаги ўзгарувчан шароитларга тезроқ мослаша олиш хусусиятига эга. Ишлаб чиқариш соҳаларида кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши иқтисодиётнинг диверсификациянишини жадаллаштириб, келажакда Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаши мумкиндири.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий фаолиятга таъсири йилдан йилга ортиб бормоқда ва 2007 йилда ЯИМда унинг улуши 45,7 фоизни, бандлик соҳасида эса - 72,3 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, юқори микдор кўрсатгичларига қарамасдан, кичик ва хусусий бизнеснинг сифат кўрсатгичлари ҳалигача кўнгилдагидек эмас.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аксарият қисми хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг саноат ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришдаги улуши пастлигича қолмоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасида хом-ашё маҳсулотлари ҳамда қайта ишлов бериш даражаси юқори бўлмаган, ишлаб чиқариш технологияси даражаси паст бўлган ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган маҳсулотлар етакчилик килади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик секторининг ташқи савдо айланмасидаги улушкининг пастлиги (10 фоиздан кам) маҳсулотлар ва хизматлар сифатининг юқори эмаслигидан гувоҳлик беради. Таъкидлаш лозимки, ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) билан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари умумий сонининг 4,7 фоизи шуғулланиб келмоқда.



Келгусида ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш учун юқорироқ қўшимча қийматга эга товарлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш талаб этилади. Технологик мураккаблиги ўрта ва юқори бўлган товарлар бозорлари кўпроқ ривожланиш салоҳиятига эга бўлиб, айни пайтда, технологик мураккаблиги паст бўлган товарлар улуши кейинги 30 йил давомида ўзгармай қолмоқда, хом-ашё шаклидаги товарлар улуши эса мунтазам равиша камайиб бормоқда<sup>11</sup>.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кичик ва хусусий тадбиркорликни замонавий ишлаб чиқаришга жалб қилишда бош ролни давлат<sup>12</sup> ўйнаши керак. Хусусий ташаббусни ривожланириш ва ракобатни рағбатлантириш йўлида тўсиқларни бартараф этишдан ташқари давлат кичик ва хусусий тадбиркорлар орасида замонавий ва технологик ишлаб чиқариш секторини ривожланириш учун қулай ишбилармонлик мухитини яратиши керак.

## 2. КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛANIШИ ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР

Ўзбекистонда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини юритиш, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шартшароитлар сезиларли равиша яхшиланди. Бунда солик юки камайтирилди, рўйхатга олиш ва фаолият юритиш жараёнлари соддалаштирилди, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига маъмурий аралашувлар камайтирилди. Аммо кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари Ўзбекистонда кичик ва хусусий<sup>13</sup> тадбиркорлик ривожланиши йўлида муайян тўсиқлар борлигидан далолат беради.

### 2.1. Ташқи иқтисодий фаолият юритишнинг катта харажатлари

Бугунги кунда Ўзбекистонда хусусий бизнес ривожланиши йўлидаги энг мураккаб тўсиқлар ТИФ соҳасида мавжуд. Булар орасида энг асосийлари сифатида экспорт-импорт жараёнида транспорт харажатларининг юқорилиги, конвертациядан фойдаланишнинг мураккаблиги ва божхона тўловлари даражасининг юқорилигини қайд этиш мумкин.

#### 2.1.1. Юкларни транспорт орқали жўнатиш харажатининг юқорилиги


*Ўзбекистондаги транспорт орқали юкларни ортиб жўнатиш харажатлари дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.* Бир контейнерга нисбатан импортни Ўзбекистонга амалга ошириш харажатлари 4600 АҚШ долларини ташкил этса, айни пайтда ушбу кўрсаткич Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича ўртача 1774 АҚШ долларни ташкил этади. Бу кўрсаткич фақат қисман денгиз йўлларига бевосита чиқиш йўли йўқлиги билан изоҳланади ва денгизга бевосита чиқиш йўлларига эга бўлмаган мамлакатлар орасида ҳам энг юқори хисобланади.

Экспорт жараёнида бир контейнерга нисбатан расмий тўловлар ҳажми ҳам ниҳоятда юқоридир: 3100 АҚШ долл., бунда Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўртача баҳо 1582 АҚШ долл.га тенг. Таққослаш учун: ушбу кўрсаткич хитойлик экспортчилар учун 500, покистонликлар учун - 611, эстонияликлар учун - 730, немислар учун - 872, турклар учун - 990 АҚШ

<sup>11</sup> Саноатда ракобатбардошлик бўйича семинар материаллари, Москва, 2 ноябрь 2004 й.

<sup>12</sup> “Ўзбекистонда хусусий инвестициялар сиёсатини такомиллаштириш”: хусусий инвестицияларнинг имкониятларини таҳлили ва уларни фаол ишлатиш механизмлари” ИТМ, Тошкент, 2008 й

<sup>13</sup> “Ўзбекистонда тадбиркорлик мухити” ХМК. 2009.



долл.<sup>14</sup> ни ташкил этади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда экспорт жараёнларини ўтиш вақти 44 кунни ташкил этса, айни пайтда ривожланаётган давлатларда унинг ўртача кўрсаткичи 29 кунни<sup>15</sup> ташкил этади, бунинг эса мамлакатнинг географик жойлашувига боғлиқлиги йўқ.

Юкларни расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги ва давомийлиги, транспорт инфратузулмасининг эскирганлиги (автомобил ва темир йўл тармоғи), асосий транспорт коридорларидан узоқда жойлашганлиги юкларни жўнатиш харажатлари юқорилигининг бош сабаблари ҳисобланади.

Қайд этиш зарурки, бундай узоқ жойлашув ҳар доим ҳам географик жойлашувга боғлиқ бўлмасдан, балки мамлакатда мавжуд бўлган деярли бутун транспорт тармоғи Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтгача миллий давлатлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда лойиҳалаштирилган ва курилгандир. Масалан, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги темир йўл юк ташувлари Қозоғистондаги «Дружба» станцияси орқали амалга оширилади. Чегарадан чегарагача бўлган йўл 2000 км ни ташкил этади, айни пайтда Корасувдан (Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасида) Хитой чегарасигача бўлган йўл 280 км дан кам масофани ташкил этади. Ўзбекистон темир йўл тармоғини Хитой тармоғи билан (Андижон-Қашғар) туташтирувчи ўйлнинг қурилиши юк ташишлар қийматини камайтириш билан бирга Марказий Осиё худудининг<sup>16</sup> транзит салоҳиятини жиддий равиша кенгайтиради.

### 2.1.2. Конвертациядан фойдаланиш

Хозирги кунгача импорт операцияларини амалга оширишда **миллий валютани (сўмни) конвертация** қилиш борасида мураккабликлар сақланиб келинмоқда. Сўмдаги маблағларни чөл эл валютасига конвертация қилишда расмий чекловлар белгиланмаган. Аммо амалда аризалар З ой ва ундан копроқ муддатга кечикиб, узоқ муддат давомида кўриб чиқилади. Бу эса чет эллик таъминотчилар билан муносабатда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, масалан, таъминотчилар ишончли буюртмачиларга бериладиган имтиёзларни бермайди, ёки умуман келгусида ҳамкорлик қилишдан бош тортади.

Бундан ташқари, конвертация жараёнини амалга оширишда **конвертацияга берилган буюртмани кўриб чиқиши даврида пулларнинг ҳисоб рақамларда музлатиб қўйилиши** ҳолатлари кузатилмоқда. Буюртмаларни кўриб чиқиши муддатининг давомийлиги, инфляция, валюта курсларининг ўзгариши ва пулнинг айланмадан чиқарилиши оқибатида кутилган фойда олинмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, тадбиркорлар катта харажатларга учраётганлари ойдин бўлмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатадики, кичик ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти, зарур хом-ашё ва компонентларни савдо воситачиларидан юқори нархларда харид қилишга мажбур бўлишмоқда, бу эса маҳсулот қийматининг ошишига ва натижада рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

### 2.1.3. Божхона тўловларининг юқорилиги


Ўзбекистонда божхона тўловларининг ўртача даражаси (бож, акциз ва ККС) 41,7<sup>17</sup> фоизни ташкил этади, бу эса импорт протекционизмининг юқори даражасидан гувоҳлик беради. Бу каби кучли тариф тўсикларини жорий этилишидан мақсад мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ташки рақобатчилардан ҳимоялаш қилишдир. Аммо амалда, бу каби ёндашувнинг салбий оқибатлари уни жорий этишдан кутилган самарадан ошиб кетади, жумладан:

<sup>14</sup> <http://www.doingbusiness.org/ExploreTopics/TradingAcrossBorders> (2009-2010 йиллар учун маълумотлар).

<sup>15</sup> Ривожланаётган мамлакатларда самарали инвестицион сиёсатнинг асосий омиллари: Ўзбекистон учун маъкул бўлган ўналишилари” Тахлилий маъруза. ИТМ, Тошкент, 2007 й.

<sup>16</sup> “Марказий Осиё” транспорт секторининг минтақавий стратегияси ҳисоботи, ОТБ, 2003 й.

<sup>17</sup> “Экспорт импорт операцияларини бошқариш механизmlарини такомиллаштириш ва божхона назоратининг самарадорлигини ошириш” тахлилий ҳисобот, ИТМ, Тошкент 2008 й.



**- биринчидан**, юқори бож тўловларини тўловчи ҳалол импорт қилувчилар аксарият бозорларда ракобатбардош бўлмай қолади, чунки реал бозор нархлари уларнинг харажатларини қопламайди. Бу эса, шунга олиб келадики, мавжуд тизим кўпинча импорт қилувчиларга «норасмий йўлдан» фойдаланишга имконият яратади. Айни пайтда божхона тўловлари қанчалик юқори бўлса, коррупциядан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият ортади;

**- иккинчидан**, «норасмий йўлдан» фойдаланиш кўламининг кенгайиши мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳимоялаш чора-тадбирларини самарасиз қилиб, улар бож тўловисиз олиб кирилган ноқонуний товарлар билан рақобатлашишга мажбур бўлади;

**- учинчидан**, импорт протекционизмининг юқори даражаси муқаррар равишда, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган импорт хом-ашёси ва ярим тайёр маҳсулотларни сотиб олиш имкониятига ва нархига таъсир кўрсатади.

Шу тарзда Ўзбекистонда расмий равиша экспорtnи рағбатлантириш сиёсати юритилса-да, мавжуд вазиятдан ҳаммадан кўпроқ тайёр маҳсулотни экспорт қилувчилар азият чекади. Импортнинг ўрнини қопловчи соҳаларни ҳимоялашга қаратилган «ҳимояланувчи» сиёсат уларни жозибадор қилади, демак моддий ва меҳнат ресурсларининг шу тармоқларга ўтишини рағбатлантиради, оқибатда экспортга йўналтирилган соҳаларга инвестициялар ҳажмини қисқартириб, иқтисодиёт диверсификациясини секинлаштиради. Бундан ташқари, импортнинг чекланиши чет эл валютасига талабни камайтиради, демак миллий валютанинг айрбошлиш курсининг кўтарилишига олиб келади, натижада ташқи бозорларда<sup>18</sup> экспорт товарлари нархларининг ошишига сабаб бўлади. Оқибатда мамлакатнинг экспорт салоҳияти сусаймоқда.

## 2.2. Солиқка тортиш ва солиқ соҳасини тартиба солиш харажатлари

Ривожланаётган мамлакатларнинг рақобатбардошлилиги, демак инвестицион жозибадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчиларга қўйилган солиқ юкига боғлиқ бўлади. Ўзбекистонда солиқ тизими ислоҳотларига ва 2007 йилда қабул қилинган янги Солиқ кодексига қарамай солиқларнинг ва ижтимоий чегирмаларнинг юқорилиги хусусий сектор<sup>19</sup> учун асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

Солиқ юки кўрсаткичи ҳали нисбатан юқорилигича қолмоқда давлат бюджетининг ЯИМдаги улуши қарийб 28 фоизни<sup>20</sup> ташкил қилади, бу эса аҳоли жон бошига даромаднинг қиёсий даражасига эга муваффақиятли ривожланаётган мамлакатлардаги солиқ юки даражасидан юқоридир. Масалан, 1979-1996 йилларда Хитойда иқтисодий ўсишнинг рекорд суръатлари (йилига 10 фоиздан зиёд) кузатилган вақтда, солиқ юки 36 дан 13 фоизга пасайтирилди ва фақат 18 йиллик рекорд ўсиш суръатларидан сўнг 20 фоизгача оширилган эди.

Бундан ташқари, микро ва кичик корхоналар (ишчилар сони бўйича белгиланади) учун мавжуд бўлган соддалаштирилган солиқка тортиш тизими ижтимоий тўловларнинг юқори даражаси билан ходимларнинг ҳақиқий сонини яширишни, иш ҳақининг ҳақиқий миқдорини камайтириб кўрсатишни ва ўсиб бораётган ўрта корхоналарнинг бўлинишини рағбатлантиради (ягона ижтимоий тўлов меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 25 фоизи миқдорида ундирилади, бунда мазкур тўлов ҳар бир ходим учун энг кам ойлик<sup>21</sup> иш ҳақининг бир баравари миқдоридан кам бўлмаслиги лозим).

<sup>18</sup> “Экспорт импорт операцияларини бошқариш механизmlарини такомиллаштириш ва божхона назоратининг самарадорлигини ошириш” тахлилий хисобот, БМТРД, Тошкент 2008 й.

<sup>19</sup> «Enterprise Surveys 2009»; Тадбиркорлар сўровномаси, ИТИ, 2006 й.

<sup>20</sup> “Ривожланаётган мамлакатлarda самарали инвестицион сиёсатнинг асосий омиллари: Ўзбекистон учун маъкул бўлган йўналишлари” Тахлилий маъруза. ИТМ, Тошкент, 2007 й.

<sup>21</sup> Фермер хўжаликлари учун энг кам иш ҳақидан 50 фоиз.



Аммо ўрта ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, технологик ва ташкилий янгиликларни жорий этиш масалаларини ҳал қилишда йирик корхоналарга нисбатан тез мосланувчан ҳисобланади. Бу ўринда, улар микро ва кичик корхоналардан фарқли ўлароқ илмий-техникавий фаолиятни юритиш, маҳаллий меҳнат бозори ҳолатига таъсир кўрсатиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ривожлантириш учун салмоқли салоҳиятга эга бўлиш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, янги технологияларни тадбиқ этиш ва натижада инвестициялар учун янада кўпроқ қизиқарли бўлиш учун етарли имкониятга эга. *Айнан мана шу жиҳатлар туфайли ўрта ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодиётдаги ўзгаришлар суръатини жадаллаштирадиган қатлам ҳисобланади.* Ўрта ишлаб чиқариш корхоналарга соддалаштирилган солиққа тортиш тартибининг тадбиқ этилиши уларнинг ўсиши учун кўшимча туртки бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда, бундан ташқари, айрим корхоналарга енгиллик ва имтиёзлар тақдим этиш амалиёти давом этмоқда, бу эса бизнес юритши учун нотенг шароитларни юзага келтирмоқда. Бунинг энг муҳим салбий оқибатларидан бири - бу инновация ва инвестицияларга бўлган рағбатнинг пасайишидир. Оқибатда, мавжуд бўлган «нотенгсизлик» рақобатни чеклади, соҳага янги корхоналар кириб келишига тўсқинлик қиласди, ва бунинг натижасида ишлаб чиқарувчиларни инновациялар, ишлаб чиқаришни ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришга йўналтирмасдан, балки имтиёзларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш максадида ўз манфаатларини илгари суришга ундаиди.

Солиқ юкининг юқори даражаси билан бирга, солиқ соҳасини тартибга солиш тизимида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Сўнгги бир неча йиллар давомида, солиқ текширувлари сони сезиларли даражада камайган бўлса-да, уларнинг бюджетта тўланмай қолган солиқлар тушумининг ҳажми пастлигича қолмоқда<sup>22</sup>. Бунинг асосий сабаби, текшириш учун корхоналарни танлашда бевосита солиқ инспекцияси ходимларининг субъектив фикрига асосланади, бу ўринда таваккалчилик даражасини баҳолаш асосида танлаш методикаси деярли қўлланилмайди. Бундан ташқари, солиқ инспекцияси ходимлари<sup>23</sup> орасида коррупция даражасининг инобатга олинмаганлиги тўланмай қолаётган солиқларнинг ҳақиқий ҳажми ва яширин иқтисодиёт айланмаларини баҳолаш имконини бермайди.

### 2.3. Молиялаштиришдан фойдаланишнинг чекланган имконияти

Сўнгги 5 йил давомида тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига инвестициялар тузулмасидаги улуши 5 фоиздан ошмади, бу эса банк соҳасининг хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фойдаланилмаган салоҳиятидан далолат беради.

Бизнесни бошлаш, ҳамда уни ривожлантириш ва модернизациялаш учун кредитлардан фойдаланадиган тадбиркорларнинг улуши паст 10 фоиздан<sup>24</sup> кам даражада қолмоқда. Уларнинг аксарият қисми (90 фоиздан зиёди) ўз маблағлари ва норасмий қарзлар билан кифояланмоқда. Бу бизнесни бошлаш ва кенгайтириш учун банк кредитларини олишнинг мураккаблиги ҳамда кредитларнинг юқори нархидан далолат беради.

<sup>22</sup> «Ўзбекистонда солиқ текширувлари ўтказиш жараённада хавф-хатар тахлили тизимини жорий этишининг истиқболлари». Маъруза БМТРДнг «Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш» лойихаси томонидан тайёрланган.

<sup>23</sup> “Солиқ сийёсатининг Ўзбекистонда микро фирмалар ва хусусий бизнесни ривожланишига таъсирি”. Тахлилий хисобот БМТРДнг «Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш» лойихаси томонидан тайёрланган.

<sup>24</sup> Тадбиркорлар сўровномаси, ИТМ .2006 й.



Бундан ташқари, 22-26 фоизли тижорат кредитлари бўйича мавжуд фоизли ставкалар (имтиёзли кредитлар бўйича 14 фоиздан бошлаб) йиллик 7-12 фоизли инфляция шароитида унчалик юқорига ўхшамайди. Аммо кредитларни олиш жараёнидаги вақтингчалик харажатлар ва норасмий тўловлар, гаров мулкини баҳолашдаги номутаносиблик, уни тўлаш муддатининг қисқалиги (3 йилгача) ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун муҳим бўлган бъязи бир кўплаб хизматлар, материаллар ва асбоб-ускуналарни нақдсиз сотиб олишда нархларнинг юқорилигига каби омиллар ҳисобига кредитларнинг ҳақиқий қиймати сезиларли даражада ошади.

Натижада, саноатнинг қайта ишловчи жабҳаларидағи аксарият корхоналар учун кредит олиш номувофиқ бўлиб, уларнинг рентабеллик даражаси<sup>25</sup> кредитлар учун рақобатлашиш имконини бермайди. Шу билан биргаликда, саноат корхоналари учун ишлаб чиқаришни<sup>26</sup> кенгайтириш ва модернизациялаш мақсадида кредит олишлари ниҳоятда мушкулдир.

Яна бир энг салбий омиллардан бири бу бозор қийматига эга реал активларнинг салмоқли улуши - ер ва дала ҳовли участкалари, интеллектуал мулк, асосий уй-жой - зарур гаров таъминоти сифатида камайтирилган баҳолаш қиймати бўйича ҳам самарали қўлланилиши мумкин эмас. Бу айниқса кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига салбий таъсир кўрсатади, чунки улар кўпинча бошқа гаров таъминотига ёки кафилларга эга бўлмайди, ҳамда кредитларни олиш учун уюшма ёки холдинглар маъмурий имкониятларини ишга сололмайдилар. Бунинг устига кредитларни кафолатлаш жамғармаларини тузиш каби кенг қўлланиладиган кичик бизнес гаров таъминоти муаммосини бартараф этиш механизми Ўзбекистонда деярли фойдаланилмайди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик учун маблағлар олишнинг муқобил банқдан ташқари манбалари деярли мавжуд эмас - **кредит уюшмалари ва микромолия ташкилотлари** сони кўпайса-да, молиялаштиришнинг умумий ҳажми ниҳоятда камлигича қолмоқда, кредитларнинг максимал суммалари жуда паст, кредитлар бўйича фоиз ставкалари эса тижорат банклардагига нисбатан сезиларли даражада юқори. Демак, улар истеъмол кредитлашни кенгайтириш борасида етарлича салоҳиятга эга бўлсалар-да, яқин келажакда уларга маблағларни сафарбар этиш ва хусусий сектор инвестицияларини молиялаштиришнинг жиддий муқобил механизми сифатида таяниш қийин.

**Инвестиция, Инвестицион ва венчур компаниялари** бозори ҳам Ўзбекистонда деярли мавжуд эмас, яъни атиги бир нечта мавжуд инвестицион компаниялар Ўзбекистон фонд бозорининг потенциал «кўк белгилар» ҳамда мамлакат ташқарисига инвестиция киритиш кўпроқ қизиқиши уйғотади.

**Фонд бозори** ўз навбатида сўнгги бир неча йил давомида деярли ривожланмаслик ҳолатида, унинг листингига (рўйхатига) бугунги кунда асосан банк сектори вакилларидан иборат атиги 11 корхона киради, фонд бозоридаги йиллик айланма ҳажми эса ЯИМнинг қарийб икки фоизини ташкил қиласди холос. Акциядорлик компанияларининг капитализациялаш кўрсаткичлари оддий фуқаро учун ҳеч нарса англатмайди, умуман олганда эса фонд бозори бир томондан эркин муомалада «кўк белгилар» бўлмаганлиги, котировкаларнинг нохолисоналиги ва бошқарувнинг ошкора эмаслиги, иккинчи томондан - аҳолининг молиявий саводсизлиги туфайли уларда бирон-бир қизиқиши уйғотмайди. Шу сабабли, ҳамда ушбу жараёнларнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда акциядорлик ташкилотига айлантириш инвестицияларни жалб қилиш воситаси сифатида кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун қизиқиши уйғотмайди.

<sup>25</sup> 2006 йил натижаларига кўра қайта ишлаш саноати бўйича рентабиллик уртacha 25%ни ташкил этган, жумладан: электрэнергетика(23,2%), машинасозлик ва металлга ишлоб бериш (18,6%), ўрмон, ёгочни қайта ишлаш ва цеплюзатор-коғоз саноати (29,8%), энгил саноат (11,5%) ва озик-овкат саноати (30,8%), химия ва нефть химияси саноати (31,5%). Шунингдек, рентабиллик ёкилги саноатида (96,1%), кора метталургияда (35,5%), ранги металлургияда (140,8%), курилиш материаллари саноатида (72%)ни ташкил этади.

<sup>26</sup> «Ўзбекистонда тадбиркорлик мухити» ХМК. 2009.

## 2.4. Тадбиркорларнинг мулкий хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш

Ўзбекистондаги мавжуд мулкий хуқуқларни ҳимоя қилиш тизими етарли даражада самарали эмаслиги билан ажралиб туради: аксарият тадбиркорлар давлат уларнинг хуқуқларини<sup>27</sup> мустаҳкам ҳимоя қилаётганига қатъий ишонмайди.

Суд тизими тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишнинг асосий воситасидир. Давлат манфаатини ҳимоя қилувчи ривожланган хуқуқий базадан фарқли равишда (масалан, ташки савдо операцияларни, солик тўловларини амалга оширишда ва ҳоказо), хусусий тадбиркорлар манфаатлари анча ёмон ҳимояланган: аксарият тадбиркорлар келишувлар шартлари бажарилмаслик хавфи даражасини юқори<sup>28</sup> деб ҳисоблади.

Эконометрик таҳлил хусусий инвестицияларни рағбатлаштириш учун инвестициядорлар хуқуқларини ҳимоялаш механизмини яхшилаш зарурлигини микдор жиҳатдан тасдиқлайди. Масалан, *инвестициядорларни ҳимоя қилиши даражасини бир погонага оширишида (хўжалик даъволоварни киритши борасида), ЯИМдан 2 фоиз миқдорида қўшимча хусусий инвестициялар жсалб қилинши мумкин*. Ўзбекистон учун ушбу соҳадаги давлат институтлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш айниқса долзарб аҳамиятга эга, чунки мазкур кўрсаткичнинг қиймати Зни ташкил қилиб, у ривожланаётган мамлакатлардаги ўртacha 5,5<sup>29</sup> кўрсаткичидан анча паст.

## 2.5. Ҳаддан ташқари тартибга солиш ва аралашув

Ўзбекистонда сўнгги йиллар давомида давлат хокимияти органларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувлари камайиши борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Жумладан, назорат идоралари томонидан ўтказиладиган текширувлар сони қисқарди ва уларни ўтказиш қоидалари тартибга солинди, шунингдек, сертификатланиши шарт бўлган товарлар ва хизматлар рўйхати сезиларли даражада камайтирилди. Аммо кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожига тўсқинлик қилаётган ҳали қатор асосий муаммолар мавжуд.

### 2.5.1. Сертификатлаш ва лицензиялаш

Турли рухсатнома, лицензия, сертификат ва стандартларни олиш борасидаги мураккаб жараёнлар бозорга чиқишида асосий тўсик бўлиб қолмоқда. Таққослаш учун: янги маҳсулотни ишлаб чиқаришда тадбиркорлар ривожланаётган мамлакатларда лицензия олиш учун ўртacha 230 кун сарфлайди (Ўзбекистонда эса 280-290 кун).<sup>30</sup> Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур муддатни ҳеч бўлмаганде ўн кунга қисқартириши хусусий инвестицияларнинг ЯИМга<sup>31</sup> нисбатан 0.2 фоизга ошишига олиб келади.

Мажбурий сертификатлаш ва стандартлашга кетадиган кўп вақт ва маблағ сарфлари айниқса юқори технологик корхоналарга салбий таъсир кўрсатади, бу эса уларнинг мавжуд ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш борасидаги жараёнларни рағбатлаштиришга тўсқинлик қиласди. Сезиларли даражадаги қисқартишларга қарамасдан, мажбурий сертификатланиши керак бўлган товарлар ва хизматлар рўйхати 600дан зиёд номланишга эга, бунинг устига олинган сертификатларни вақти-вақти билан узайтириш талаб этилади.

<sup>27</sup> “Тадбиркорлар сўровномасинг техник хисоботи”. ИТИ, Тошкент 2006 йил.

<sup>28</sup> “Тадбиркорлар сўровномасинг техник хисоботи”. ИТИ, Тошкент 2006 йил.

<sup>29</sup> “Ривожланаётган мамлакатларда самарали инвестицион сиёсатнинг асосий омиллари: Ўзбекистон учун маъкул бўлган йўналишлари” Тахлилий маъзуза. ИТМ, Тошкент, 2007 й.

<sup>30</sup> “Ўзбекистонда тадбиркорлик мухити” ХМК. 2009.

<sup>31</sup> “Ривожланаётган мамлакатларда самарали инвестицион сиёсатнинг асосий омиллари: Ўзбекистон учун маъкул бўлган йўналишлари” Тахлилий маъзузадаги 2 модель, 4 қўшимчага қаранг.



Сертификатлаш ва лицензиялашга қўшимча равища яна бир рухсатнома ва келишувларнинг тури борки, у ҳам бўлса ишлаб чиқарии жараёнини бошлиши ёки кенгайтириши билан боғлиқ. Бу ўринда гап охирги вақтда анча енгиллаштирилган рўйхатдан ўтиш жараёни ҳақида эмас, балки рўйхатдан ўтгандан кейинги босқич, яъни корхонанинг очилиши, жумладан, турар-жойни нотурар-жойга айлантириш, корхона, савдо нуктаси худудини кенгайтириш ва ҳоказоларга оид рухсатномаларни олиш тўғрисида бормоқда.

### **2.5.2. Банклар маъмурий назорат воситаси сифатида**

Тадбиркорларнинг банклар билан ўзаро муносабати борасидаги асосий муаммолари пул муомаласи ва банк соҳасини тартибга солиш сиёсати билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Хозирги кунда, банк тизими фаолиятнинг асосий турлари ривожланишига зиён етказган ҳолда ва кўпинча амалдаги қонунчиликка зид равища ўзига хос бўлмаган қатор вазифаларни бажармоқда.

Жумладан, хукумат томонидан қабул қилинган хукукий-норматив хужжатларни қабул қилишига қарамай, нақд пул олишдаги қийинчиликлар ва бунинг оқибатидаги нақдсиз ҳисоб-китоблар жараёнида айрим молларнинг нархини ошишига олиб келади. Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳисоб рақамларидаги маблағларини ўз ихтиёларига кўра эркин бошқаришдаги тўсиқлар, банкка нақд пулларни топшириш борасидаги талаблар, ҳисоб рақамидан эгасининг рухсатисиз пулларнинг олиниши ва банклар томонидан мижозларнинг молиявий фаолиятига оид маълумотларнинг учинчи томонларга тақдим этилиши каби муаммоларни ҳам қайд этмоқдалар.

Бунга қўшимча равища банкларнинг банкротлик ҳақидаги ортиқча «безовталаниш» банк соҳасидаги рақобатни умуман йўққа чиқарди, соҳани ривожлантиришнинг узок муддатли стратегиялари ҳамда таваккалчилик операциялари мавжуд эмас. Банклар асосан бўш пул массасини қайта тақсимлаш билан машғул, ва айнан ушбу операцияларда улар бир тарафлама хизматлар нархини ошириб, ўзларининг воситачилик ҳақларини оширмоқдалар. Жумладан, 2006-2009 йиллар мобайнида дивидендларни тўлаш учун воситачилик маблағлари микдори турли баҳоларга кўра 7,5 баробарга (2 фоиздан 15 фоизгacha) ошди.

### **2.5.3. Бозор ва хом-ашёдан фойдаланишдаги маъмурий тўсиқлар**

Маҳаллий тадбиркорлар ўз маҳсулотлари ёки хизматларини сотии жараёнида ҳам бозорга чиқиш йўлида муйян тўсиқларга дуч келадилар, улар қаторига маҳсулот/хизматнинг (айниқса қишлоқ хўжалиги секторида) эркин тарзда нархини ўзгартиришга чеклов, маҳсулотни бошка туманлар, вилоятларга ташиш ва/ёки сотишдаги тўсиқлар, яъни давлат автоинспекция ходимлари томонидан вилоят ва шаҳар худудига кириш жойларидаги кўп сонли блок-постлардаги текширувлар киради.

Шунингдек, хом-ашё ва материалларнинг мухим турларидан фойдаланиш борасида ҳам жиддий тўсиқлар мавжуд. Уларнинг асосийлари сирасига маъмурий қайта тақсимлашнинг расмий ёки норасмий механизми (уруглик, ўғитлар, ип-калава) мавжудлиги, нархларнинг сунъий равища кўтарилишига олиб келадиган ишлаб чиқарувчилар ёки импорт қилувчиларнинг монополизми (цемент, шифер, металл), шунингдек, зарур хом-ашё ва материалларни импорт қилиш учун конвертация қилиш мураккаблиги киради.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Дастлаб илгари сурилган, иқтисодиётнинг зарур ўсиш даражасини таъминлаш учун тўплланган маблағлар ҳажми етарлими, деган саволимизга қайтган ҳолда шуни ишонч билан қайд эта оламизки, ички йифилган маблағлар даражаси инқироз даврида ва ундан кейин ҳам ушбу тўплланган маблағларнинг самарали сарфланиши шарти билан Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини сақлаш учун етарлидир.

Аммо улар сарфланишининг самарадорлиги ҳақидаги саволга жавоб бериш анча мушкул, чунки таҳлилларга кўра, аҳолининг ўсиб бораётган маблағлари расмий банк айланмасига жалб қилинмаяпти. Статистика ва мавжуд маълумотлар уларнинг сарфланиши борасидаги самарадорлик ва йўналишлари тўғрисида чуқур баҳолаш имконини бермайди. Бироқ инқироздан аввалги даврда инвестицион товарлар (ер, кўчмас мулк, автомобил) бозорида нархларнинг банк депозитларига қўйилмалар ва фонд бозоридаги операцияларнинг жозибадорсизлиги ҳолатида кескин ўсиши ортиқча талаб борлигидан ва тегишли равишда фойдаланилмаган салмоқли инвестицион салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Камбағалликни пасайтиришга йўналтирилган иқтисодий ўсиш жараёнида ҳамда инқироз ва тиклаш давридаги чекланган капитал ва юқори ишсизлик кўрсаткичи шароитида ички ресурслардан максимал даражада натижа олиш мақсадида сафарбарлик каналларининг ва тўплланган маблағларнинг реал секторга қайта йўналтиришнинг самарасини ошириш, ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлаштириш ва норасмий сектор улушини қисқартириш зарур. Бу ўринда, узок муддатли барқарор ўсишни таъминлаш учун давлат қўшилган қиймати юқори бўлган товарларни ишлаб чиқараётган корхоналарни алоҳида тартибда қўллаб-қувватлаши лозим.

### 1. Маблағларни инвестицияларга айлантириш самарадорлигини ошириш

Аҳолининг ўсиб бораётган маблағларини расмий иқтисодий айланмага самарали жалб қилиш учун аҳоли ва тадбиркорларнинг банк тизимиға бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва унинг жозибадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар биринчи навбатдаги вазифалар бўлиши керак. Улар қаторига миллый валютанинг барқарор курсини таъминлаш, депозитлар бўйича ижобий реал фоиз ставкаларини белгилаш, ҳамда жисмоний шахсларга нақд пул бериш борасида расмий ва норасмий чеклов ва тўловларни бартараф этиш кабилар киради.

Узок муддатли истиқболда фонд бозори, банқдан ташқари молиявий ташкилотлар сектори, улуш асосидаги жамғармалар, инвестицион ва венчур компанияларнинг жадал ривожланишини таъминлаш ҳамда кичик ва хусусий корхоналар таъсисчилари даромадларини соликқа тортишдан озод қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу инвестицияларнинг муқобил манбалари бозорини яратиш имконини беради, яъни инновацион ва жадал суръатлар билан ривожланаётган кичик ва хусусий компаниялар маблағларни қарзга олишнинг<sup>32</sup> соф бозор, банқдан ташқари воситасига эга бўлади, бу ҳам банк соҳасида рақобатни кучайтириш воситаси сифатида хизмат қиласи.

### 2. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиши учун тўсикларни бартараф этиш

<sup>32</sup> Батафсил маълумот учун ИТМ томонидан тайёрланган “Ўзбекистон фонд бозоринг инвестицион имкониятлари”: ва уни фаоллашуви йўлидаги тўсик бўлиб тўрган муаммолар.



Кичик ва хусусий тадбиркорлик ўсиши учун тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тавсияларнинг моҳияти ташқи савдо тартибини либераллаштириш, бизнесни бошлаш ва кенгайтириш учун молиялаштиришдан фойдаланишини енгиллаштириш, солик юкини камайтириш ва солик соҳасини тартибга солишни такомиллаштириш, ҳамда ривожланиш йўлидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва корхоналар фаолиятига назорат органларини аралашувини янада чеклашдан иборат.

*Ташқи иқтисодий сиёсат соҳасида ташқи савдо тартибини либераллаштириши ва божхона соҳасини тартибга солиши тизимини такомиллаштириши масалалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.*

Қисқа муддатли истиқболда биринчи навбатдаги вазифалар сифатида куйидаги чоралар белгиланиши зарур:

- божхона жараёнларини ўtkазиши тартибга солиш, мақбуллаштириш ва ошкоралигини ошириш, жумладан, юкларнинг расмийлаштириш муддатини аниқ белгилаш, импорт қилинаётган бутлаш қисмларни сертификатлаш жараёнини мақбуллаштириш (хорижий сертификатларни эътироф этиш), кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун божхона тўловларини тўлашда муддатини узайтириш тизимини соддалаштириш;

- импортни амалга оширишда конвертациялаш муддатларини қатъий белгилаш ҳамда экспортни молиялаштириш ва суғурталашнинг самарали воситаларини тадбиқ этиш; божхона тўловлари<sup>33</sup> даражасини сезиларли даражада пасайтириш (бож, акциз ва ҚҚС);

- турли технологик асбоб-ускуналарни олиб келишда божхона божлари ва ҚҚСни тўлашдан озод қилиш;

- янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, материаллар, хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни олиб киришда божхона божларини тўлашдан озод қилиш;

- экспорт шартномалари бўйича кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини мажбурий равишда 100 фоизли олдиндан ҳақ тўлаш шартларидан озод қилиш;

- хусусий транспорт ва экспедиторлик компаниялари секторини ривожлантиришни рағбатлаштириш;

- божхона қонунчилигини соддалаштириш ва тартибга солиш, жумладан, тўғридан-тўғри амал қиласиган Божхона кодексининг янги таҳририни қабул қилиш.

Узоқ муддатда божхона соҳасини тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш зарур, шу жумладан, божхона жараёнларининг коррупциогенлик даражасини пасайтириш ва божхона идоралари ходимларининг юкларни расмийлаштиришда белгиланган муддатлар ва қоидаларини бузгандиги ёки хато равишда аниқлаганлиги учун жавобгарлигини ошириш мақсадида божхона хизмати ходимлари айби билан тадбиркорларга етказилган заарни қоплаш механизмини жорий этиш лозим.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички (автомобил ва темир йўл) транспорт инфратузулмасини мақбуллаштириш ва модернизациялаш, унинг минтақавий транспорт тармоғига интеграциялашуви (жумладан, Андижон-Қашғар темир йўл йўналишининг қурилиши) ва бунинг натижасида транзит салоҳиятнинг ошиши юкларни ташиб нархини арzonлаштириш имконини беради.

*Солик сиёсати ва солик соҳасини тартибга солиши бўйича тўпланган маблағлар ҳажмини ошириш ва уларнинг келгусида ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва ривожлантиришга йўналтириш ҳамда расмий секторга*

<sup>33</sup> Эконометрик анализ натижаларига кўра, Ўзбекистонда импортга бўлган соликларни МДХ етакчи мамлакатлари даражасида пасайиши натижасида (7-8 фоиз) кўшимча равишда тўғридан тўғри инвестициялар оқимини ЯИМ 2.2 фоизига ўсишига олиб келади.



ўтишини рағбатлаштириш учун корхоналарга белгиланадиган солиқ юкини мақсадли равишда камайтиришни давом эттириш зарур. Жумладан, қуидагилар тавсия этилади:

- дунёдаги аксарият мамлакатларидағи каби асосий фондларнинг фаол қисмiga мулк солиғи тұлашдан озод қилиш. Ушбу мақсадда мулк солиғи тұлашдан күчмас мулк солиғини тұлашга босқичма-босқич ўтиш талаб қилинади;
- ягона ижтимоий тұлов ставкасини пасайтиришни давом эттириш ҳамда, хозирги кунда амалиётда мавжуд бўлган - ҳар бир ходим учун тұланадиган минимал тұлов (энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида) миқдорини камайтириш (ёки бекор қилиш);
- айрим корхоналарга имтиёз ва преференцияларни тақдим этиши тұхтатиши, бунинг ўрнига муайян қўллаб-куватланаётган соҳанинг барча корхоналарига имтиёзларни камситмайдиган асосда қўллаш;
- корхонани кичик мақомдаги деб ҳисобланиши учун лозим бўлган ходимлар сонининг энг кўп миқдорини ошириш ва бунинг натижасида соддалаштирилган солиққа тортиши тартибини қўллаш орқали ишлаб чиқариш корхоналарининг ўсишини рағбатлаштириш ва ўрта хусусий ишлаб чиқариш корхоналар синфини шакллантиришни жадаллаштириш;
- солиқ соҳасини тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, солиқ текширувларининг коррупциогенлигини пасайтириш ва солиқ идоралари ходимларининг текширув ўтказиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлигини ошириш, таваккалчиликларни таҳлил қилиш асосида корхоналарни текшириш учун объектив танлаш механизмини тадбиқ этиш.

**Банк-молия соҳасида** кичик бизнес субъектларининг тижорат банкларининг кредит ресурсларидан ва нақд пуллардан фойдаланиш имкониятидаги ортиқча чекловларни бекор қилиш ҳамда тадбиркорликни молиялаштиришнинг муқобил манбаларини ривожлантиришни рағбатлантириш зарур.

Қисқа муддатда қуидагиларни амалга ошириш талаб этилади:

- иқтисодий айирбошлашга гаров воситалари сифатида ахоли активларининг аниқ ва оммабоп жалб қилиш механизмларини яратиш (күчмас мулк, ер, бошқа мулклар), бу айниқса иш бошлаётган тадбиркорлар учун ниҳоятда мухим;
- тадбиркорлар харажатларини камайтириш мақсадида банк операциялари бўйича фоиз тўловининг юқори чегарасини белгилаш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан нақд маблағларни қўллашга оид чекловларни бекор қилиш;
- банк сирини ошкор қилганлик ва хусусий корхоналар молиявий фаолиятига оид маълумотларни суд қарорисиз, жумладан хуқуктарибот идораларига берганлик ҳамда хисоб рақамидан унинг эгаси рухсатисиз пул олганлик учун жазо чораларини кучайтириш;
- банклардан уларга хос бўлмаган, жумладан, нақд пуллар тушумини назорат қилиш каби вазифаларни олиб ташлаш.

Узок муддатли истиқболда кичик бизнес ўсишини рағбатлантиришга оид кўшимча механизмларни, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик кредитларини кафолатлаш фондларини жорий этиш, шунингдек, хусусий сектор ўсиши учун муқобил ресурслар манбалари сифатида кредит уюшмалар ва микромолиявий ташкилотлар, инвестицион ва венчур компаниялар каби банкдан ташқари молиявий ташкилотларни ривожлантиришни таъминлаш зарур.